ФБ. САГУ читального зала

БУТУН КУЧ—ПАХТА ТЕРИМИГА!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 196 (1200)
3 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

☆ ☆ ☆

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Пахта териш ва тайёрлашда ҳал қилувчи октябрь ойи бошланди. Колхоз ва совхозларда кундалик нормаларни, беш кунлик графикларни тўла ва ошириб бажарайлик, шонли партиямизнинг XXI съездига муносиб совға тайёрлаш учун астойдил курашайлик! Далаларимиздаги мўл ҳосилни сира нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олайлик!

ТЕРИМЧИ

Ҳамида, Насиба, Гули хирмонга ҳаммадан кейин етиб келишди. Тарозибон уларни очиқ чеҳра билан қарши олди. Қизлар этакдаги пахтани тарозига бир-бир устин қўйишаркан, уларнинг юзида билинар-билинмас ҳаяжон аломати кезиб ўтди. Қилинган меҳнат натижаси тарозида ўлчанаётганда ҳар бир киши ҳам шундай ҳолатга тушади.

— Қанча бўлибди, имилламай тезроқ айтақолсангиз-чи, — деди қизлардан бири.

— Бугун жуда кўп терибсизлар, ҳисобига етолмай қолдим, — деди тарозибон ва чўт қоқишда давом этди, — юз, икки юз, уч юз, тўрт юз эллик... мана бунисе билан салкам беш юз! Қойил қилибсизлар чеварлар.

— Шундан юз килоси совға, — дейишди қизлар.

Табелчи қизларнинг дафтарчасини олиб энг сўнгги варағига — «КПСС XXI съезди шарафига» дейилган жойига, бир қанча рақамлар қаторига юз рақамини ёзиб қўйди.

Юзлаб, минглаб фидокор теримчилар жонажон партиямизнинг шонли XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, поёнсиз пахта далаларида чарчаш нималигини билмай меҳнат қилар эканлар, кечқурун, ишдан кейин дафтарчаларига «совға» ёздиришни унутмайдилар. Юқорида номлари тилга олинган «Пискент» совхозининг кўп минг килограммчи теримчилари — опа-сингил Ҳамида, Насиба Назировалар ва уларнинг дугоналари Гули Аҳмедова учовлан 50 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп пахта тераётирлар. Улар «совға» қилишни бирор кун ҳам канда қилмайдилар.

Колхоз аъзосида, совхоз ишчисида, район марказида яшовчи кишиларда, йиғим-теримда пахтакорларга ёрдамга борган студент ва ишчида, шаҳар меҳнаткашида — «Теримчи дафтарчаси» бор. Кимнинг қандай ишлаётгани шу дафтарчада ойнадек равшан.

Теримчи ўртоқ, давлат омборлари «оқ олтин» билан яна ҳам кўпроқ тўлсин, десанг ҳаракатни тезлаштир. Бригадангдаги, колхозингдаги, район ва совхозингдаги кўп ва сифатли пахта тераётган чеварларга тенглашиб олиш, ҳатто улардан ўзиб кетиш учун кураш. Теримчи, сенинг меҳнатинг мисоли асалари меҳнатига ўхшайди. Асалари бир кунда минглаб гуллардан асал йиққанидек, сенинг қўлинг ҳам бир кунда минглаб чаноқларга бориб келади. Қўлинг ҳар гал чаноқларга бориб келар экан, сен она-Ватан бойлигига-бойлик қўшаётганлигингни унутма. Чунки сен жамлаётган граммлар тўпланиб центнерлар, тонналар бўйёдга келмоқдаки, қабул пунктларидаги тоғ-тоғ пахта ғарамларида чевар теримчиларнинг аксини кўриб турибмиз.

Кўп ва сифатли пахта теришда донг таратган ажойиб теримчиларимиз билан фахрланамиз. Шу теримчилар эрта тонгдан то кечгача чарчаш нималигини билмай Ватан бойлигини, халқ бойлигини ошириш учун курашаётганлар. Теримчиларнинг меҳнатини қадрлаш, уларнинг унумли ишлаши учун шароит яратиб бериш ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбарининг жонажон ишидир. Кун бўйи қаддини ростламай пахта терган колхозчи ёки совхоз ишчисини даладан хирмонгача пахта кўтариб чиқишга мажбур қилмайлик. Уларнинг терган пахтасини хирмонга отулов билан ташиб келтиришни ташкил этиш бугунги кундаги зарур ишлардандир.

Мавсумда 7-10-15 ҳатто 20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган ва шу мажбуриятни шараф билан бажариш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилаётган чевар теримчилар ҳар бир колхоз ва совхозда бор. Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари Эркиной Маматова, Турдинисо Туробовалар билан ҳақли суратда фахрланадилар. Чунки бу чевар теримчилар ўтган йили салкам 15 тоннадан пахта теришган эди. Партия XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган бу чевар теримчилар мавсумда 22-25 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар ва улар ўзларининг ана шу катта мажбуриятларини Улуг Октябрнинг 41 йиллик кунигача бажариб қўйиш учун терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Эркиной Маматова бир кунда 280-300 килограммдан, Турдинисо Туробова эса 270-290 килограммдан пахта териб, бошқаларни ҳам ўзларига тенглашишга чақирмоқдалар.

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоздан Муҳтарам Собирова, Сирдарё районидаги «Правда» колхозидан Муҳаббат Шосаидова, Ўрта Чирчиқ районидаги М. Горький номли колхоздан Мамлакат Бўрибоева, Октябрь районидаги Ленин номли колхоздан Назирахон Аширбоева, Турсунбой Ғозиевлар шу кунларда хирмонга 200-300 килограммдан пахта келтириб топширмоқдалар.

Колхозда, совхозда пахта териш ва тайёрлаш юзасидан берилган графикнинг муваффақиятли бажарилиши теримчилар иши қай аҳволда ташкил этилганлигига, улар тўғрисида чиқаётган ҳамкўрлик қилинаётганлигига боғлиқ. Теримчилар ўртасида соатлик график йўлга қўйилган, иш ўзаро социалистик мусобақа асосида олиб борилаётган жойларда бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта теримоқда ва давлатга пахта етказиб бериш топшириғи муваффақиятли бажарилаётир. Бекобод районидаги Навоий номли колхоз пахта териш ва тайёрлашда область колхозлари ичида олдинги ўринларда кетаётир. Чунки далада ишлаётган ҳар бир теримчи кундалик нормани бирмунча ошириб бажармоқда. Кейинги беш кунликда колхоз бўйича бир теримчининг бир кунда терган пахтаси 100-105 килограммданга тўғри келган. Ваҳоланки, 1-«Боёвут» совхозида теримчиларнинг бир кунлик иш унуми 45 — 50 килограммдан ошмаётир. Чунки совхознинг кўпгина бўлимларида теримчиларга қулай иш шароити яратиб берилмаган.

Колхозчи ва совхоз ишчиларига «Теримчининг дафтарчаси» тарқатилган. Бунга бир кунда қанча пахта терилганлигни мунтазам ёзиб борилиши, нормани бажармаганлар огоҳлантирилиши, 1,5-2 норма ado этганлар рағбатлантирилиши ҳамда уларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилиши зарур.

Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик! Ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда кўп минг килограммчилар сафини кенгайтириб, далаларимизда ётган «оқ олтин»нинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, тезроқ йиғиб-териб олишга муносиб ҳисса қўшайлик!

КПСС Ростов область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Ростов областининг колхозчиларини, совхоз ва РТС ишчиларини, партия, совет, комсомол ходимларини ва барча меҳнаткашларини зўр муваффақият билан — давлатга 136 миллион пуд ғалла топшириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятни бажаришлари билан ҳамда областга Ленин ордени берилиши билан табриклайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Ростов областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини юксалтиришда янада муваффақиятлар тилайдилар ҳамда улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимизда аҳоли учун озиқ-овқат ва саноат учун хом ашёни мўл-кўл қилиш учун дон, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ишига янги ҳисса қўшадилар деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ростов областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ростов области меҳнаткашларининг дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда эришган катта муваффақиятлари учун, 1958 йилда давлатга 136 миллион пуд ғалла сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилганлиги учун **Ростов области Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1958 йил, 1 октябрь

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ

Суратларда: (чапдан) 1. Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг илғор теримчиси ўртоқ Анорқул Мирзанов. У ҳар куни 200 килограммга етказиб пахта тераётир, ҳозиргача 3500 килограммдан ортиқроқ пахта терди. 2. «Пискент» совхозининг теримчиси ўртоқ Муҳаббат Аҳмедова. У мавсумда 12 тонна пахта теришга аҳд қилган. 3. Гулистон районидаги «Красний Восток» колхозининг теримчиси ўртоқ З. Қудратова. У ҳар куни 180 килограммдан ошириб пахта тераётир. 4. Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхозининг ҳар куни 270 килограммдан пахта тераётган теримчиси ўртоқ Турдихон Туратова. 5. «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг 6-бўлим теримчиси ўртоқ Гулнор Дудакова. У ҳар куни 170-180 килограммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

В. Салов, М. Шевелев ва М. Комлев фотолари.

Юк оғир, аммо манзилга тезроқ етиш керак

АЭРОПЛАН БЎЛМАСА НИМА ҚИЛАЙ...

Райком секретари кабинетида 5-6 киши ўртасида баҳслашув борарди.

— Ахир бизнинг пахта майдонимиз ҳам кўп, ҳосилимиз ҳам юқори, ўша икки колхоздан кўра кўпроқ ёрдамни бизга беришларингиз керак, — деди «Коммунизм» колхозининг раиси Турсунбой Латипов.

— Уларга қараганда сизларга кўп одам юборяпмизку, яна нима қилайлик... — дерди юқоридаги стулда ўтирган киши.

— Беш-олти киши кун бўйлаги билан иш битармиди, ҳеч бўлмаганда 50-60 киши кўпроқ бўлсин, оладиганларингиз пахтами, сизлар кўп ёрдам берсаларингиз, биз кўп пахта юборамиз.

Райком секретари бир дам сукут сақлади. У ниҳоят раисга тик қараб:

— Қани энди райкомга, «бизга машинадан ёрдам берсангиз» деб келсангиз эди. Икки гапнинг бирида уларга кўп, бизга кам одам юборяпсиз дейсиз, ўртоқ Латипов. Сиз обрўли раисларимиздансиз, колхозингиз илғор, нега машина деганда тескари қарайсиз...

— Мен тескари қараётганим йўқ. 500 гектар ердаги пахтамни машина билан теришга ажратиб қўйганман...

— Шу ерларга дори сендирдингизми?

— Дорини олиб келганимизга бир ойдан ошиб кетди. Аэроплан бўлмаса, нима, қўл билан сепаймиз?

— Ҳаммага топилган самолёт сизга топилмай қолдими?

— РТСга, район инспекциясига телефон қилавериб чарчадим, бугун дейишди, эртага дейишди, мана оқибат шу кунгача аэроплан юборишгани йўқ.

— Нега райкомга хабар қилмадингиз?

— Мана айтяпманку.

Турсунбой Латипов ғўзанинг баргини тўкиш учун дори сепишга, пахта териш машиналарини тайёрлашга чин кўнгилдан ҳаракат қилганда эди, бугунгидек ёрдамчиларнинг кўпроқ юборилишини талаб қилиб райкомга келмаган бўлар эди. Тўғри. «Коммунизм» колхози пахта тайёрлашда олдинги ўринлардан бирида кетаётир. Колхоз аъзоларининг бир кунлик иш унуми 80-90 килограмм данга тўғри келади. Бу жуда яхши. Қани энди колхозчилар ёнида пахта териш машиналари ҳам ишлаб турганда колхоз 1-1,5 эмас, 2-3 процентдан пахта тайёрлаши мумкин эди ва пахтанинг таннархи анча камайган бўларди. Буни нима учундир Турсунбой Латипов тан олмаётир.

Турсунбой Латипов Кремлда, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида қатнашиб, пахтачиликни кенг, комплекс механизациялаш кераклиги айтилганда кўпчилик қатори ўрнидан туриб қарсак чалган. Нега энди, айни меҳнатнинг оғир палласида, яъни пахта терими даврида Турсунбой Латипов машиналарни ишлатишга рози бўлмаётир. У раис бўлган колхозда 1956 йилда ҳар бир машина билан кунига 50-60 ҳатто юз тоннаданга етказиб пахта терилган эди-ку! Машина ёмонми, уни ишлатадиган кишилар нўноқми, шуни ора очиқ қилиб олиш керак. Эҳтимол Турсунбой Латипов пахта теримида механизациядан кенг фойдаланиш тарафдоридир, буни унинг колхозида пахта териш машиналари бундан кейин қай даражада ишлатилиши кўрсатади.

ДАМ ОЛИШ КУНИ РАЙОН МАРКАЗИДА

Тонг ёришган. Район маркази гавжум. Уч томондан гурос-гурос одамлар келиб турибди, бирор отлиқ, бирор эшакда, бирор пиёда, бировлар машинада. Кишилар уч кўчадан келиб катта канал устидаги кўприкдан ўтгач, бозор томон оқиб борарди. Шу ерда, пахтакорлар бозор сари бурилаётган жойда 4-5 автомашина турарди. Машиналарга қизил байроқ ўрнатилган, кузовдаги ёшлар—қизлар ва йигитлар, ўрта яшар кишилар, аёллар ҳазил-ҳузул қилишиб қаёққадир ошиқишарди. Булар — район марказининг ўқувчилари ва меҳнаткашлари. Улар колхоз далаларига чиқиб, пахта теришмоқчи. Қизиқ, район марказидагилар пахта теримига шошилаётганда нима учун колхоз ва совхозлардаги айрим кишилар бозорга оширқарди. Ҳар бир киши бозор-ўчар қилмай иложи йўқ. Аммо буни бирмунча тартибга солиб қўйиш керак. Агар колхоз ва совхозлар марказидаги, катта-кичик қишлоқлардаги магазинларда озиқ-овқат ва саноат моллари етарли бўлса, бозорга келиш камайиши тайин гап. Биз биринчи, учинчи «Боёвут» совхозлари қишлоқларида бўлдик. Ажабо, магазинларда ароқ, ҳархил эски консервалардан бошқа тузукроқ маҳсулот кўзга учрамайди. Хўжаликка туз, совун, ёғ ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар ҳамма вақт керак. Айрим пайтларда колхозчи ёки совхоз ишчиси туз учун, кир-совун учун 20-30 километр йўл босиб бозорга келишга мажбур бўлади. Район савдо ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бригада, бўлимларда кўчма савдони ташкил қилишга катта эътибор берсалар, пахтакорларнинг камкўстини бут қилишга аҳамият қилсалар, пахта териш ва тайёрлаш суръати ошади, албатта.

Кейинги кунларда Боёвут районидаги совхозларда пахтага ажратилган кишиларнинг бир қанчаси теримда қатнашмаётир. 6027 киши ўрнига 4769 киши ишламоқда. Ҳар бир кишининг кундалик иш унуми ҳам талабга унча жавоб бермайди — 40-45 килограммдан ошмайди. Бунинг устига совхозларда дала ишларини ташкил этишга етарли аҳамият беримаётир. Ҳар иккала совхозда бўлганимизда теримчилар пахтасини хирмонгача ташиб чиқиш учун от-улов ажратилмаганлигини, натижада 30-40 килограмм келадиган пахтани қизлар бошларига қўйиб хирмонга олиб чиқаётганларини кўрдик. Бу факт совхоз директорлари Уризбиев, Рашидов ўртоқларга маълум. Улар буни ҳар куни кўришади, аммо кўришади-ю, тескари қараб кетишаверади!

Эрталабдан кечгача пахта тераётган кишилар соғлигини сақлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, хирмонлар атрофида ўралашиб юрган норгул йигитларни пахта теримига, ташишга юбориш тўғрисида совхоз раҳбарлари ўйлаб кўрганларида эди жуда яхши бўларди.

Биз юқорида дам олиш куни кўпчилик пахтакорлар бозорга, район меҳнаткашлари пахта далаларига кетаётганлари тўғрисида айтиб ўтдик. Бу аҳвол ҳар дам олиш куни, ҳатто бегин кунларда ҳам такрорланиб туради. Шу тўғрида Боёвут район партия комитети, район ижроия комитети таъсир қиладиган тадбир белгилаб, шуни амалга оширса, оғир юк енгил бўлади, районда пахта тайёрлаш суръати яна ҳам ошади.

РУЦКИЙ, ДОРОХОВ ВА БОШҚАЛАР...

Руцкий область совхозлар трести бошлиғининг ўринбосари, Дорохов Боёвут район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош агрономи. Буларнинг бир-бирларига ишлари тез-тез тушиб туради. Дорохов телефонда Руцкийни қидиргани-қидирган. Колхоз раислари, совхоз директорлари Дороховдан ҳали самолёт, ҳали ғўза баргига сепиш учун заҳарли дори, яна алланималар сўраш-авериб уни жони-ҳолига қўйишмайди. Дорохов Руцкийга ўхшаб, «эртага тўғрилаб бераман, яна икки соатдан кейин телефон қилинг, албатта тайёр бўлади» деб ваъда беришга ўрганиб қолган.

Жойларда Руцкийнинг ҳам, Дороховнинг ҳам иш натижалари яхши сезилмаётир. Масалан, район колхозларида ғўза баргига дори сепиш учун самолёт етишмади. Раислар Дороховдан ёрдам сўраши, у Руцкийга телефон қилди. Телефонбозлик беш-олти кун давом этди. Шу орада 3-«Боёвут» совхозида битта самолёт билан икки кунда камида 500-600 гектар ерга дори сепиш мумкин эди. Буни Руцкий билар эди, шу тўғрида Дороховга бир оғиз айтганда иш битиб кетарди. Қаранг, бутун бошли битта самолёт икки кун бекор турибдику, шуни Руцкий пайқамай қолибди. Ғаш унда эмас. Руцкий совхозма-совхоз югуриб юришга ўрганиб қолиб, бир ерда тўхтаб амалий ёрдам беришга одатланмаган бўлса керак. Дорохов телефонбозликдан бўшамай, колхоз, совхоз раҳбарларини сарсон қилаётир.

Боёвут райони майдон жиҳатидан ҳам, кўп пахта териш жиҳатидан ҳам областда биринчи ўринда туради. Шу район сводкасида силжиш бўлса, область ҳам олдинга дадил қадам ташлайди. Оғир юкни кўтаришга бу ердагиларнинг кучи етади. Бироқ ана шу оғир юкни кўтаришга ҳамма баравар интилиши, бозор-ўчарда, дала чекасида, чойхонала тамошабин бўлиб қолмаслиги керак. Ундай одам, кузда, пахта тўйимизда дастурхонимиз теварагида ўтиришга ийманиб қолади.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлаш ва топшириш юзасидан районлар ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг 21 сентябрдан 30 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районига** (район партия комитетининг секретари **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси **Кодиров**, район комсомол комитетининг секретари **Кушеров**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи **Қозоқбоев** ўртоқлар) берилди. Бу район ана шу ўтган вақт ичида 10,1 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 15,32 процент миқдорида бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

Бекобод районига пахта йиғим-теримида намуна кўрсатган энг яхши колхозчиларни, совхоз, РТС ва МТС ишчиларини мукофотлаш учун 3 минг сўм пул берилди.

Студент ўртоқлар, пахта териш учун колхозларга борайлик!

Халқимизнинг яхши одати бор. Мамлакатимиз ҳаётида юз берадиган шонли воқеаларни меҳнатда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш традиция бўлиб қолди. Шу кунларда бепоён Ватанимизнинг ҳамма ерида ишчилар, қурувчилар, транспортчилар ва колхозчи-деҳқонлар Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора кенг авж олдирмоқдалар.

Бу йил Ленин комсомолининг 40 йиллиги нишонланади. Бу кунни Қозоғистон ва Сибирнинг қўриқ ҳамда бўз ерларини ўзлаштириб, ғалладан мўл ҳосил етиштирган. Донбассда янги шахталар қуриб ишга туширган, Катта Оҳангарон шаҳрини қураётган, Мирзачўл ерларини ўзлаштираётган ва у ерда ҳаёт манбаъларини барпо этаётган, фан чўққиларини эгаллашга ҳаракат қилаётган ватанпарвар совет ёшлари ажойиб тортиклар билан кутиб олаётирлар.

Республикамиз далаларида пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида олинган социалистик мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда ҳосил йиғим-терими қизғин давом этаётир. Ҳосилни сира нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишда ҳар йилгидек бу йил ҳам пахтакорларга ёрдам бериш шаҳарларнинг аҳолиси, студентлар ва мактаб ўқувчиларининг муқаддас бурчидир.

Университетимизнинг студентлари, профессор ҳамда ўқитувчилар коллективи ўтган йили пахта йиғим-терими даврида Бўка ва Пискент районларининг колхоз ҳамда совхозларида ишлаб, 5000 тоннага яқин пахта терган эдилар.

Биз комсомоллар ўзаро маслаҳатлашиб, 27 кишидан иборат зарбдор бригада тузик ва пахтакорларга ҳосил йиғим-теримида ёрдам бериш учун шу йил 29 сентябрь куни Пискент районига жўнаб кетдик. Шу билан бир қаторда ўз зиммамизга КПССнинг навбатдан ташқари XXI съезди, Ленин комсомолининг 40 йиллиги шарафига бир ой мобайнида 120 тонна пахта териш мажбуриятини олдик.

Шу мактуб орқали биз республикадаги барча комсомол-ёшларга мурожаат қиламиз ва уларни ўз институтларида, колхоз ва совхозларида биз каби зарбдор бригадалар тузишга, биз билан мусобақалашишга чақирамиз.

Комсомол ва ёшлар! Ҳаммамиз меҳнат вахтасида туриб ишлайлик, бизнинг тарбиялаб вояга етказаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездини, комсомолимизнинг юбилейини меҳнатда ва ўқишда янгидан-янги муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олайлик!

Х. БОБОНИЁЗОВ,
В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг студентларидан тузилган зарбдор бригаданинг раҳбари.
Р. ТИЛОВОВА, М. БЕРЕГИНА, А. ТУРАЖОНОВ, А. ВАҲОБОВ, П. ЭРГАШЕВ, Р. ҲАФИЗОВ ва бошқалар— САГУ студентлари.

Теримни кучайтириб юбордилар

Ҳайдарқул Қодирқулов Тельман номли колхозда бир неча йилдан бери табелчилик вазифасида ишлаб келарди. Бу йил эса кўпчилик уни бригадага бошлиқ қилиб тайинлади. Ҳайдарқул колхозчиларнинг ишончини оқлаш учун дастлабки кунларданоқ ишга астойдил киришди. Чигит экишдан тортиб, ғўза парваришигача бўлган ишларнинг ҳаммасини ўз вақтида юқори агротехника муддатларида ўтказиш учун ҳаракат қилинди. Бунда унга тажрибали колхозчилар, кекса пахтакорлар ёрдам беришди. Натижа ёмон бўлмади. 75 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирилди.

Бригада аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрдилар ва бу ишга ғуюқлик билан киришдилар.

Шу кунларда бригаданинг барча звеноларида иш қизғин. 20 дан ортиқ теримчи мавсумда 10-15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган. Ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 95-100 килограммдан пахта тераётир, бригада бўйича кунига 2400-2500 килограммдан пахта териб топширилаётир.

Кўп минг килограммчи теримчилардан Баҳри Ҳусаинова, Ойимбуви Рўзиеваларнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Ғўза парваришида ўрнак кўрсатиб ишлаган бу колхозчилар йиғим-теримда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Шунингдек, «Пискент» совхозининг 1 ва 2-бўлими ишчилари ҳам КПССнинг XXI съезди шарафига бошлаган социалистик мусобақага қўшилиб, терим суръатини кучайтириб юбордилар.

Н. БЕКНАЗАРОВ,
М. САМАДОВ,
Э. ШУКУРОВ.
Пискент райони.

Ўрнак бўлмоқдалар

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзолари партиямизнинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги қарордан илҳомланиб, шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ коммунист Р. Раҳмонов, Б. Нурлибоев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Колхозда бу йил 100 га яқин йигит ва қиз кўп мингчилар ҳаракатига қўшилиб, 7-10 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Булардан М. Тўлаганова, М. Иноятова, Ҳ. Присметова, М. Ўтбосарова ва бошқа ўртоқлар кунига 110-140 килограммдан пахта тераётирлар.

М. ЮСУФЖОН.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Кобилга келди

КОБИЛ, 1 октябрь. (ТАСС). Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийларининг таклифига биноан, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, шунингдек СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов ва уларнинг ҳамроҳлари яхши ният визити билан бугун бу ерга келдилар.

Аэродромда меҳмонларни Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ, подшо хонадонининг аъзолари, маршаллар шоҳ Вали ва шоҳ Маҳмуд, бош министр Муҳаммад Довуд, бош министрнинг биринчи ўринбосари Али Муҳаммад, ташқи ишлар министри Муҳаммад Наим, молия министри Абдулла Малекёр, совет меҳмонларини кутиб олиш комиссиясининг раиси, парламентнинг ҳар иккала палатаси раислари, Афғонистон армияси бош штабининг бошлиғи Саид Ҳасан, Кобил вилоятининг бош губернатори Мир Абдул Азиз, Кобил шаҳрининг мэри Муҳаммад Асиф Сухайл, сарой министрлиги протокол бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Али, шунингдек СССРнинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида кабинет аъзолари, Афғонистон армиясининг генераллари, халқ кенгаши ва сенат депутатлари, элчихоналар ва миссияларнинг бошлиқлари ва Кобилдаги совет колониясининг аъзолари бор эди.

СССР ва Афғонистон давлат байроқлари билан безатилган аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди ва СССР ҳамда Афғонистон давлат гимнлари ижро этилди. Подшо Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва К. Е. Ворошилов самимий табрик нутқи сўзладилар. Машиналар аэродромдан келаётганда совет меҳмонларини Кобилнинг кўп минглаб аҳолиси табриклади.

К. Е. ВОРОШИЛОВНИНГ АФҒОНИСТОНДА БУЛИШИ

КОБИЛ, 1 октябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва унинг ҳамроҳлари бугун Афғонистон давлатининг атоқли арбоби Нодиршоҳ мозорини зиёрат қилдилар ҳамда гулчамбар қўйдилар.

Ўша куни бош министр Муҳаммад Довуд ва Афғонистон подшо ҳукуматининг аъзолари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва унинг ҳамроҳлари бугун Афғонистон давлатининг атоқли арбоби Нодиршоҳ мозорини зиёрат қилдилар ҳамда гулчамбар қўйдилар. Визит вақтида дўстона суҳбат бўлди.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ДАВЛАТГА 1 МИЛЛИАРД 721 МИЛЛИОН ПУД ҒАЛЛА СОТДИЛАР

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1958 йил 1 октябргача ғалла тайёрлаш планини бажардилар ва давлатга 1 миллиард 721 миллион пуд ғалла сотдилар.

Сталинград областининг колхоз ва совхозлари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу область давлатга 161 миллион пуд ғалла, Саратов области 161 миллион пуд, Ростов области 136 миллион пуд, Краснодар ўлкаси 120 миллион пуд, Оренбург области 102 миллион пуд, Ставрополь ўлкаси 95 миллион пуд, Омск области 84 миллион пуд, Куйбишев области 50 миллион пуд ва Воронеж области 50 миллион пуд ғалла сотдилар.

Олтой ўлкасининг колхозчилари ва совхоз ходимлари давлатга 200 миллион пуд ғалла, шу жумладан кейинги беш кунлик ичидагина 69 миллион пуд ғалла сотиб, яқин вақт ичида давлатга яна 100 миллион пуд ғалла сотиш ва олинган социалистик мажбуриятларни тўла бажариш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар. Новосибирск областининг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш суръатини анча тезлаштириб сентябрь ойининг охирги беш кунлигида давлатга 23 миллион пуд ғалла сотдилар ва яқин вақт ичида яна 50 миллион пуд ғалла сотиш ва шу билан ўз социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

Краснодар ва Ставрополь ўлкаларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган қўшимча мажбуриятларини бажарабориб, яқин вақт ичида давлатга Краснодар ўлкаси бўйича яна 20 миллион пуд ва Ставрополь ўлкаси бўйича 15 миллион пуд ғалла сотадилар.

Оренбург, Омск, Кемерово, Иркутск, Чита ва Томск областлари, Бошқирдистон АССР, Красноярск ўлкаси ва бошқа областларнинг, ўлка ва автоном республикаларнинг қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам ғалла тайёрлаш планини ва ўз социалистик мажбуриятларини яқин вақт ичида бажариш учун курашмоқдалар.

Айни бир вақтда республиканинг колхоз ва совхозлари келгуси йил баҳорги экиш учун уруғлик ғамламоқдалар, ем-хашак ва страхование фондларини вужудга келтирмоқдалар.

Россия Федерациясининг колхоз ва совхозлари бу йил қанд лавлаги экинларини бир ярим баравар кўпайтириб, мўл ҳосил етиштирдилар ҳамда қанд лавлаги йиғиштиришни ва давлатга топширишни муваффақиятли олиб бормоқдалар. 1 октябргача республиканинг қанд заводлари 1958 йилги ҳосилдан 1957 йил шу вақтдагига нисбатан деярлик икки баравар кўп қанд ишлаб чиқардилар.

Бу йил кўпгина ўлкаларда, областларда ва автоном республикаларда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Бу эса Россия Федерациясининг колхоз ва совхозларига ўтган йил шу вақтдагидан кўра 1,7 баравар кўп маккажўхори силоси бостириш имкониятини берди.

Россия Федерациясининг колхозчилари, совхоз ва РТС ходимлари КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, давлатга ғалла сотиш юзасидан олинган мажбуриятларини яқин вақт ичида бажариш, барча қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олиш, кузги шудгорлаш ишларини тугаллаш, етарлик миқдорларда озуқа тайёрлаш, чорва молларнинг қишловига яхши тайёргарлик кўриш, давлатга гўшт, сут, қанд лавлаги, қунғабоқар, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

Яқинда янги совет атом электростанциясининг юз минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи навбати ишга туширилди. Бу станциянинг тўла қуввати 600 минг киловаттга етказилади. Суратда: атом электростанциясининг ходимлари ва уларнинг онлалари яшаётган шаҳарнинг кўчаларидан бири.

БЕЛОРУССИЯ ССР ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Белоруссия ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишни ўчун курашиб ва Белоруссия ССР 40 йиллигини ҳамда КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, давлатга ғалла топшириш ва сотиш планини муддатидан илгари бажардилар.

Давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

ОЛТОЙ ЎЛКАСИ ВАТАНГА 200 МИЛЛИОН ПУД ҒАЛЛА БЕРДИ

БАРНАУЛ. Олтой ўлкасининг меҳнаткашлари кузги ёғингарчилик натижасида вужудга келган қийинчиликларни енгиб, Ваталга 300 миллион пуд олтой ғалласи топшириш тўғрисидаги ваъдаларини бажаришга интилмоқдалар.

Бугун кувончли хабар келди: Олтой ўлкасининг колхоз ва совхозлари давлатга 200 миллион пуддан ортиқ don топширдилар, ўриб қўйилган ғалланинг ярмидан кўпроқ қисми йиғиб олинди. Обь дарёсининг чап қирғоғидаги бутун майдонда бошоқли экинлар ўриб қўйилган.

ҚОЗОҒИСТОН ГАЗИ

ОЛМАОТА. Қозоғистон ССРда 1956-1965 йиллар мобайнида Урал ва Волга дарёлари ўртасидаги территорияда геология-разведка ишлари қарийб уч марта кенгайтирилади. Бу ерда кўп табиий газ манбалари топилди.

Ганюшкино қишлоғига яқин жойда (Гурьев области) қидириш ишлари бошланди. Бу ерда бир суткада 20 минг кубометргача газ отилиб чиқмоқда. Яна шу областда Калмиково районидаги газ кони ҳам истиқболли ҳисобланади.

Жанубий Мангишлоқ, Орол-Қизилқув ва Чу-Сарисувда газ ҳосил қилиш учун катта имкониятлар очилади. Каракарат районида Олмаотадан 250 километр масофада газ чиқадиган жойларда қидириш ишларига киришилди.

МАРКАЗИЙ ТЯНЬ-ШАНДА ТЎҒОН

ЎРТА ТЎҚОЙ, (Иссиқ кўл области). Баланд тоғли Ўрта Тўқой сув омбори тўғони ғарига сўнгги кубометр тупроқ тўкилди. Бу — Қирғизистон ирригаторларининг КПСС XXI съездига меҳнат соҳасида биринчи рапортидир.

Тўғонга 2 миллион 100 минг кубометр тупроқ ётқизилди. Бу тўғон эллик икки метр баландликка кўтарилиб, Ўрта Тўқойнинг тик қояли ғарини бутунлай беркитди ва 500 миллион кубометр сув сиғадиган сув омборини барпо қилди. Совет гидротехника практикасида денгиз сатҳидан 2 километр баландликда бундай типдаги ёриқ инпоот биринчи марта барпо этилди. Тўғоннинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик учун унинг ён ғарларига катта тошлар ётқизилди.

Тўғон кўп сувли Чу дарёсининг ўзанини тўсди. Тўлиб-тошиб оқадиган сув учун янги ўзан вужудга келтириди — тиккоялар ёнида очилган қарийб 600 метрлик тоннель барпо этилди. Тўғондан қуйироқда дарё яна ўзининг аввалги ўзанига тушиб қолади.

Ўрта Тўқой сув омбори қўшимча равишда юз минг гектардан ортиқ ерни суғориш имконини беради.

ВЛКСМ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА КИНОФЕСТИВАЛЬ

СТАЛИНОБОД. Бу ерда Ленин комсомолининг юбилейига бағишланган кинофестиваль бошланди. Кинофестиваль бир неча ҳафта давом қилади. Пойтахтнинг катта кинотеатрларида «Ленин тўғрисидаги қиссалар», «Партизан учқуни», «Тоғларда ўт» ва бошқа фильмлар кўрсатилмоқда.

УРТА ОСИЁДА ЭНГ КАТТА ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ

ФРУНЗЕ. Бу ерда Октябрнинг 40 йиллиги номидаги тикувчилик фабрикасининг сўнгги навбати фойдаланиш учун топширилди. Бу Ўрта Осиёда энг йирик тикувчилик корхонасидир. Корхонада устки кийимлар тикиб чиқаришнинг ҳамма процесси механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Тўла қувват билан ишга туширилган фабрика Қирғизистон ССР халқ хўжалиги кенгашининг ҳамма тикувчилик корхоналарини бирга қўшиб ҳисоблаганда улар илгари ишлаб чиқарган миқдорда маҳсулот беради.

УЧ ЮЗТА ЯНГИ ПОДА

УСТЬ-КАМЕНОГОРСК. Область колхоз ва совхозларида қўзилардан иборат 300 та янги қўй подалари ташкил этилди. Қиш даврида ва эрта баҳорда жуда кўп қўзи олинди. Ана шу қўзилардан тузилган подалар бошқа подалардан катта фарқ қилади: булар апрель ва май ойида туғилган қўзилардан ўн-ўн икки килограмм оғир бўлиб, жунлари жуда яхшидир. Бу эса уларга Олтойнинг қаттиқ совуқларини яхши ўтказишларига ёрдам беради.

Декабрь ойида кўпгина хўжаликлар 20 минтта қўйдан яна қўзилар оладилар.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

СТАЛИНОБОД. Фирдавсий номидаги республика давлат кутубхонасида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциясига бағишланган катта китоб виставкаси очилди. Иккита залда бир мингтага яқин асар намойиш қилиб кўрсатилмоқда.

Хитой адабиёти кенг кўрсатилган. Бу ерда халқ Хитойининг атоқли давлат ва жамоат арбоблари Мао Цзэ-дун, Го Мо Жо ва бошқаларининг асарлари қўйилган. Ҳиндистон ёзувчиларига бир неча стенд бағишланган. Тожик китобхонлари ҳинд ёзувчиларининг китобларини севиб ўқимоқдалар. «Араб шоирлари Ленин тўғрисида» деган бўлим эътиборни жалб этмоқда.

Виставкада чет мамлакат авторларининг асарлари билан бир қаторда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Грузия, Арманистон ва бошқа Совет Иттифоқи республикалари ёзувчиларининг юзларча китоблари қўйилган. Тожикистон ёзувчилари, шоирлари ва драматургларининг асарлари виставкада катта ўрин олган.

МЕҲНАТГА ГАРАНТИЯЛАНГАН ҲАҚ

АШХОБОД. Ашхобод область, Киров районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артели барча бригадалари умумий йиғилиш қарорига мувофиқ хўжалик ҳисобига ўтдилар, колхозчилар эса меҳнатга гарантияланган ҳақ—бир меҳнат куни учун саккиз сўмдан пул ола бошладилар. Бу миқдор улар илгари аванс тариқасида олиб келган пулдан икки баравар кўпдир ва меҳнат кунининг мўлжалланган қийматининг ярми қисмига тенгдир. Аванс ой сайин бериб турилади. Узил-кесил ҳисоб-китоб йил охирида қилинади. Ҳақ тўлашнинг янги системаси колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширди. Меҳнат интизоми яхшиланди.

Бошқа колхозлар ҳам меҳнатга ҳақ тўлашда ана шундай тартиб ўрнатишга қарор қилдилар.

30 сентябрь. (ТАСС).

Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотаси

1 октябрда СССР Ташқи ишлар министрлиги ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг бу қурол синовларини тўхтатиши ҳақида музокаралар ўтказиш тўғрисида Совет ҳукуматининг нотасини АҚШ ҳукуматига топшириш учун АҚШнинг Москвадаги Элчихонасига юборди.

Шу хил мазмунли нота Буюк Британия Элчихонасига ҳам юборилди.

Нотада уқтириб ўтиладики, ядро қуроли синовларини дарҳол ва ҳамма жойда тўхтатиш бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига тааллуқли ва кечиктириб бўлмайдиган проблемадир. Совет ҳукумати, дейилади нотада, кенгаш қатнашчилари тегишли битим ҳақида энг қисқа муддат ичида келишиб олиш ва бу битимни имзолаш учун зўр бериб ҳаракат қиладилар, деб умид этади. Шу муносабат билан Совет ҳукумати бу кенгаш Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия ташқи ишлар министрлари даражасида чақирилсин, деб таклиф этди.

Нотада музокараларни шу йил 31 октябрда Женевада бошлаш тўғрисидаги масалани келишилган деб ҳисоблаш мумкин, деб таъкидланади. (ТАСС).

Москва жамоатчилиги вакилларининг Хитой Халқ Республикаси тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши

30 сентябрда Союзлар уйининг Колонна залида Москва жамоатчилиги вакилларининг Хитой Халқ Республикаси тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишни ВЦСПС раиси В. В. Гришин очди. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет-Хитой дўстлиги жамияти правлениесининг раиси А. А. Андреев Хитой Халқ Республикасининг тўққиз йиллиги тўғрисида катта доклад қилди.

Йиғилишда Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Лю Сяо сўзга чиқди. Йиғилиш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар. (ТАСС).

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг тантанали мажлиси

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари Хитой Халқ Республикаси тузилганлигининг тўқиз йиллигини жуда хурсандчилик билан нишонлямоқдалар. 1 октябрда бу тарихий кунга бағишлаб Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг тантанали мажлиси ўтказилди.

Совет-Хитой дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов ўзининг кириш сўзида дедики, Хитой Халқ Республикасининг шонли байрами кунида Ўзбекистон меҳнаткашлари дўстона хитой халқига ўзларининг самимий табрикларини ҳамда социалистик қурилиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш тилакларини йўлламоқдалар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Хўжаев Хитой Халқ Республикаси тузилганлигининг тўққиз йиллигига бағишлаб доклад қилди.

Қаҳрамон хитой халқи шонли байрамни халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятлар билан кутиб олаётганлигини айтиб, бу ғалабалар революцион жанглар оловида вужудга келган, синалган Хитой Коммунистик партияси раҳбарлиги остида қозонилганлигини таъкидлаб ўтди.

Хитой халқининг ажойиб муваффақиятлари совет кишиларини қувонтиради. Совет кишилари Хитойда социализм қурилишига ўзларининг ҳам қўшган меҳнат ҳиссаси борлиги билан фахрланадилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам икки буюк давлат ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Республика корхоналари Хитойга тўқимачилик машиналари, экскаваторлар, кўприк кранлари, тракторлар, пахта сеялкалари, культиваторлар, қабеллар, радиодеталлар ва бошқа асбоб-ускуналар етказиб бермоқдалар. Хитой Халқ Республикасидан эса Ўзбекистонга кўпгина товарлар юборилмоқда.

Ўзбек халқи буюк Хитой вакилларини ўз ҳурсандчилик билан қабул қилиб олмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина бизнинг республикамизга 20 тадан кўпроқ Хитой делегациялари келиб кетдилар. Ўзбекистоннинг кўпгина вакиллари Хитой Халқ Республикасида бўлдилар.

Хитой билан Ўзбекистоннинг маданий алоқалари кенгайиб бормоқда. Хитой авторларининг 20 тага яқин асарлари ўзбек тилига таржима қилинган, ўзбек театрларининг саҳналарида хитой драматургларининг постановкалари кўрсатилмоқда. Хитойда эса ўзбек пьесалари саҳнага қўйилмоқда.

Америка империалистларининг агрессив ҳаракатлари масаласига тўхталиб, докладчи айтдики, совет кишилари Хитой Халқ Республикасига қарши Америка агрессорларининг ҳаёсиз авантюрасини қаттиқ қораламоқдалар ҳамда улар ўзларининг буюк дўсти хитой халқини ҳеч қачон бало ва кулфат ичида қолдирмайдилар.

Хитой Халқ Республикасининг тўққиз йиллиги кунида, деди пировардида Ўртоқ Хўжаев, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг шонли хитой биродарларига эркин ва порлоқ ҳаёт қурилишида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришишни тилайдилар.

Йиғилишда экскаватор заводининг фрейзерчиси Н. Н. Макаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси С. Т. Алтунин, Тошкент педагогика институтининг студенти Р. Исҳоқова совет ва хитой халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган абадий ва бузилмас дўстлик тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда тўпланган кишилар Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясини ўтказиш Осиё-Африка тайёргарлик комитети аъзоси, Хитой Халқ Республикаси ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Го Сяо-чуаннинг сўзини қизғин кутиб олдилар.

Йиғилиш қатнашчилари гулдурос карсаклар остида Пекиндаги Хитой-Совет дўстлиги жамиятига табрик телеграммасини қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Капитал қурилиш суръатини тезлаштирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик плани Директивларида капитал қурилишининг жуда катта программаси белгилаб берилган. Беш йилликда капитал қурилиши учун давлат томонидан 1 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Ўтган икки йил ичида бу маблағнинг деярли 400 миллион сўми ўзлаштирилди. Бу миқдор Улуғ Ватан урушидан олдинги барча беш йилликлар даврида халқ хўжалигимизни ривожлантириш учун сарфланган капитал маблағдан кўпдир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати сўнгги йилларда бу катта программани муваффақиятли амалга оширишни таъминлашга қаратилган жуда муҳим қарорлар қабул қилди. Қурилиш ишларини янада индустриалаштириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, темир-бетон конструкциялари, деталлар, турли материаллар, машина ва механизмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бинокор ишчилар малакасини ошириш, қурилишларни планлаштириш ва уларни маблағ билан таъминлашни тартибга солиш, лойиҳалаш ташкилотлари фаолиятини яхшилаш ҳақида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Халқ хўжалиги кенгашларининг ташкил этилиши қурилишга раҳбарлик қилишни тубдан ўзгартирди. Эндиликда қурилишларда маҳаллий бинокорлик материалларидан кенг фойдаланиш учун барча имкониятлар туғилди.

Бу муҳим қарор ва тадбирлар капитал қурилиши планларини бажаришга, унинг сифатини яхшилашга, қурилиш ишларини индустриал методлар билан олиб боришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Агар 1955 йилда областимиз бўйича ўзлаштирилган капитал маблағ миқдори 1 миллиард сўмга етмаган бўлса, 1957 йилда у 1 миллиард 600 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бу йил эса ҳаммаси бўлиб 2,1 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Бу маблағ асосан областимиз оғир саноатининг кўмир, энергетика, машинасозлик, рангли металлургия каби асосий соҳалари, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш, турар-жой ва маданий-маиший бинолар қурилиши учун сарфланади.

Саноат ва қурилишга раҳбарлик қилишнинг янгича ташкил этилиши бинокорлик ташкилотларининг ҳар томонлама мустаҳкамланишига катта ёрдам берди. Илгариги жуда кўп майда бинокорлик ташкилотлари йирик ва бақувват, ихтисослаштирилган трестларга бирлаштирилди. Бундай бинокорлик ташкилотлари ўзининг ишлаб чиқариш ва техника базасига, қурилиш ишларини индустриал методлар билан олиб боришни кенг жорий қила оладиган кадрларига эга. Эндиликда бинокорларимиз ҳар қандай мураккаб ва катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бажаришнинг уддасидан чиқадиган бўлиб қолдилар.

Бинокорлар орасида социалистик мусобақани кенг ёйиш, қурилишда йиғма темир-бетон конструкцияларидан фойдаланишни яхшилаш натижасида капитал қурилишда бирмунча олга силжиш бор. Шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида 1 миллиард 158 миллион сўм ўзлаштирилди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 200 миллион сўм кўпдир.

Областимизда уй-жой бинолари қуриш ва уларни фойдаланишга топширишда ҳам дуруст натижаларга эришилди. Бинокорларимиз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш ҳақида» деб чиқарган қарорига жавобан қурилиш ишлари суръатини ой сайин тезлаштирмоқдалар, унинг сифатини яхшиламоқдалар. 8 ой ичида 98 минг квадрат метр турар-жой бинолари фойдаланишга берилди, бу ўтган йилнинг шу вақти ичида қурилган уй-жой майдонига нисбатан 14 минг квадрат метр ортиқдир. Бундан ташқари областимиз меҳнаткашлари ўз жамғармалари ва давлат томонидан бериладиган ёрдам билан 200 минг квадрат метр, колхозчилар ўз оилалари учун 5 мингта уй қуриб оладилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллиги ҳамда КПСС XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этган айрим қурилиш трестлари ва бошқармалари коллективлари белгиланган топшириқларни бажаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Айниқса «Алмаликсвинецстрой» трести (бошқарувчиси Тетевин, партия ташкилотининг секретари Ткаченко ўртоқлар) ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Трест бошқармаларида меҳнат яхши ташкил этилган, бинокорларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб берилган, қурилиш ишлари белгиланган қатъий график асосида олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам коллектив шу йилнинг 8 ойлик планини анча ортиги билан бажарди. Бинокорлар шу давр ичида 12 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдонини фойдаланишга топширдилар.

Трест маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари қурилиш ишларини индустриал методлар билан олиб боришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Биноларнинг айрим қисмлари йиғма темир-бетондан тикланмоқда. Бу, ёғоч, металл каби қимматли материалларнинг кўплаб иқтисод қилинишини, қурилиш муддатларини қисқартиришни, унинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришни таъминламоқда. Трестда ҳар миллион сўмлик қурилиш ишларида деярли 250 кубометр йиғма темир-бетон фойдаланилмоқда. Бу кўрсаткич областимиз бўйича қурилиш ишларида бетондан фойдаланишнинг ўртача миқдорига нисбатан икки бараварга яқин кўпдир.

Бинокорлар ўз ихтиёрларидаги экскаватор, турли маркадаги башня ва кўтарма кранлари, бетономешалка каби машина ва механизмлардан кенг фойдаланмоқдалар. Бу, қурилишдаги оғир иш процессини енгиллаштирмоқда, бинокорлар меҳнати натижасини баракали қилаётир, қурилиш ишлари харажатларини белгиланганига нисбатан камайтиришга, давлат маблағларини кўплаб тежаб қолишга имкон бермоқда.

«Средазтрансстрой» трести 8-қурилиш участкаси (бошлиғи Чернецов, партия ташкилотининг секретари Овчинников ўртоқлар) коллективи ҳам илгор бинокорлик ташкилотларидан ҳисобланади. Участка ўтган 8 ойлик планни 102,1 процент қилиб адо этди. Бу ерда, айниқса, уй-жой бинолари қурилиши намунали ташкил этилган, ҳар бир бинони муддатидан илгари фойдаланишга топшириш одат бўлиб қолди. Қурилишда индустриал методларни қўлланиш, мавжуд машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш кўплаб давлат маблағини тежаб қолишни таъминламоқда. Участка коллективи уй-жой қурилиши 8 ойлик планини 147,4 процент бажарди.

Лекин умуман олганда областимиз капитал қурилишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Кўпгина бинокорлик ташкилотлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни жуда қониқарсиз бажармоқдалар. «Главташкентстрой», «Главголодностепстрой», «Ўзбекшахтострой» трестлари, 32-ихтисослаштирилган қурилиш трести ана шундай қолоқ ташкилотлардан ҳисобланадилар. Бу трестлар ва уларнинг бошқарма ҳамда участкаларида бинокорларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароитлар яратиб берилмаган, мавжуд машина ва механизмлардан унумли фойдаланилмаётир, бинокорлар орасида илгор иш методлари кенг ёйилмаётир. Бинокор кадрларни тайёрлаш ва уларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилашга етарли аҳамият берилмаётганлиги натижасида ишчилар қўнимсизлиги юз бераётир. Яқинда «Ўзбекшахтострой» трести бошқармаларида шу масала юзасидан текшириш ўтказилганда катта камчиликлар борлиги аниқланди. Трестда 4 минг бинокор ишлагани ҳолда, шу йилнинг ўтган ойларида турли сабаблар билан 3 минг 836 киши ишдан бўшаган ва тахминан шунча киши ишга қабул қилинган. Трест раҳбарлари (бошқарувчиси ўртоқ Бурмистров) ишчилар қўнимсизлигига хотима бериш учун ҳеч қандай амалий иш қилмаётирлар. Трестда шу йилнинг 8 ойлик капитал қурилиши плани бажарилиши 82,7 процентгина бажарилди. Трест бошқармалари томонидан олиб борилаётган кўмир разрези, цемент заводларини реконструкция қилиш ишлари белгиланган графикдан жуда ҳам орқада қолаётир. Ер ости ғази станцияси қурилиши ҳам секинлик билан олиб борилмоқда. Айниқса уй-жой, маданий-маиший биноларнинг қурилиши топшириқларининг қониқарсиз бажарилаётганлигини қайд қилиб ўтиш керак.

Шундай камчиликлар «Главташкентстрой» (бошлиғи ўртоқ Скребнев)да ҳам содир бўлаётир. Трест 8 ойлик капитал қурилиш планини 76,2 процент бажарди, уй-жой қурилишида эса янада паст кўрсаткичга эришилган. 8 ой ичида пландагига нисбатан 22 минг квадрат метр турар-жой майдони кам қурилган.

Областимиз шаҳар ва районларида бу йил ишга туширилиши лозим бўлган саноат объектларини фойдаланишга топшириш муддатлари тобора чўзилиб кетмоқда. Масалан, Янгийўл гидролиз заводи бош корпуси ва бу ердаги теплоэлектр станция шу йилнинг биринчи ярмида эксплуатацияга берилиши лозим эди. III квартал тугалланган бўлишига қарамай, бу объектларда иш ҳали ҳам тамомланмаган.

Тошкент карборунд заводининг эритиш цехи III кварталда ишга туширилиши керак эди. Бу цех қурилиши учун ажратилган маблағ ёмон ўзлаштирилаётир. Натижада етти ой ичида планга нисбатан 20 процент қурилиш ишлари адо этилган, холос. Яланғоч говакли гишт ва блоклар ишлаб чиқариш заводи қурилиши ҳам жуда сust олиб борилаётир.

Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат корхоналари қувватини ошириш бўйича белгиланган давлат планларини муваффақиятли бажаришда моддий-техника таъминотининг аҳамияти каттадир. Лекин бу масалада катта камчиликлар содир бўлмоқда. Ишга туширилиадиган объектларни бинокорлик материаллари, технологик ускуналар ва айниқса электротехника ва кабель маҳсулотлари билан таъминлашнинг қониқарсиз бўлиши қурилиш-монтаж ишларини тезлатишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Янгийўл гидролиз заводи қурилиши, Оҳангарон цемент заводи реконструкцияси учун кабеллар ўз вақтида етказиб берилмади. Худди шундай камчиликлар қаттиқ қотишмалар заводи цехларини технология ускуналари билан таъминлашда ҳам содир бўлаётир. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Йўлдошев) қурилиш ишларини нормал олиб бориш учун объектларни зарур материаллар билан етарли миқдорда таъминламаётир. Бинокорлик материалларининг, айниқса гиштнинг сифати кўп вақтлар талабга жавоб бермайди.

Областимиз бинокорлари Коммунистик партиянинг XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, шу кунларда зўр ғайрат ва қўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Жойлардаги партия ва совет ташкилотлари ҳамда қурилиш ташкилотларининг маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бинокорларнинг ижодий ташаббусини бутун чоралар билан оширишлари, уларнинг меҳнат соҳасидаги ғайратини саноат корхоналари, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши бўйича белгиланган планни тўла ва ошириб бажаришга сафарбар қилишлари лозим.

И. ЗАБИРОВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

Пахта териш ва тайёрлаш суръатига-суръат қўшайлик!

Чиноз районидаги «XIX партсъезд» колхозида пахта йиғим-терими тез суръатлар билан бормоқда. Барча майдонларда пахталар қийғос очила бошлади. Колхознинг 2- бригада аъзолари терим суръатини кундан-кунга ошириб, яхши натижаларга эришаётирлар. Бригадада ҳозир ҳар куни йиллик планнинг 1,5-2 проценти миқдорида сифатли пахта топширилмоқда. Суратда: 2- бригадада пахта териш пайти.
М. Устабобоев фотоси.

Кунига йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта терилмоқда

Қуйи Чирчиқ районидаги Красин номли колхозда бу йил марта пахта етиштирилмоқда, далаларда ҳосил мўл бўлди. Колхоз аъзолари йил бошида ҳар гектар ердан 8 центнердан ҳосил етиштиришни планлаштирган эдилар. Улар эндиликда ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, гектаридан камида 20 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

Шу кунларда колхознинг барча бригадаларида йиғим-терим ишлари кучайтириб юборилган. Бу соҳада ўртоқ Д. Турсунов бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Бригададаги 32 теримчининг ҳаммаси кунлик нормасини ортиги билан бажараётир. Шу туфайли очилган пахталар пешма-пеш териб олиниб, давлатга юқори сифатли пахта топширилмоқда.

Колхозчилар КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кун ичида бригадада йиллик планнинг 11 проценти миқдорида пахта терилиб, фақат биринчи сортга топширилган.

Теримчилар соатлик график асосида ишлаб яхши натижага эришмоқдалар. Т. Қалмурзаева, П. Таусатов, Ш. Утелова, Р. Ширинбетова, Б. Абдуллаева, У. Бегимқулова, Д. Қурбонова, Ш. Раймқулов каби ўртоқлар кунига хирмонга 80-90 килограммдан пахта топширмоқдалар.

Шундай қилиб бригадада кунига йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Бригада аъзолари суръатни янада кучайтира бориб, олинган мажбуриятни 7 ноябрь кунигача бажариш учун курашмоқдалар.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

Далалардан дараклар

Юқори Чирчиқ. «III Интернационал» колхозининг Санҳалат Бегматова, Бозор Жуматоева, Мария Ярулина ва Т. Комекбоева каби илғор теримчилари мавсув давомида 15 тониадан пахта теришга аҳд қилиб, шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Улар ҳар куни хирмонга 180-190 килограммдан сифатли пахта териб топширмоқдалар.

Бу чевар теримчилар КПСС XXI съездига муносиб совға тайёрлаш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Р. Довутбеков.

Ўртасарой. Свердлов номли колхоз аъзолари бу йил она-Ватанга 1640 гектар ерининг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганлар. Колхознинг Б. Холхўжаев, Т. Сафаров ўртоқлар бошлиқ бригадалари аъзолари ўзаро социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар. Бу бригадаларда йиғим-терим ишлари қатъий план асосида олиб борилмоқда. Натижада ҳар куни белгиланганидан анча кўп пахта терилаётир.

Ж. Холматов.

Янгийўл райони давлатга узум топшириш планини бажарди

Янгийўл райони боғбонлари Октябрнинг 41 йиллик кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашиб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Кеча Янгийўл районидан хабар олинишича, давлатга узум топшириш плани 111 процентга етказиб бажарилган. Давлатга 315 тонна узум етказиб берилган.

Райондаги Сталин номли, Фрунзе номли колхозларда эса узумдан айниқса юқори ҳосил олиниб, план 156, 141 процентга етказиб бажарилган.

Район боғбонлари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда яна 30 тонна узум етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Давлатга узум топшириш давом этмоқда.

Ю. ТУРСУНБОЕВ.

Ҳосилдор боғлар кўпаймоқда

Паркент районида боғдорчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Айрим хўжаликларда қир ерларда янги боғлар барпо қилиш, мавжуд боғлардан мўл-кўл узум олишга катта аҳамият берилаётир.

«Коммуна» колхозида 178 гектар узумзор бор эди. Кейинги икки йил ичида у 240 гектарга етказилди. Янги экилган 62 гектар ердаги токлар ҳам ҳосилга кирди.

Колхозда узумдан мўл ҳосил етиштириш учун мавжуд токлар агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда парвариш қилинмоқда. Ҳар гектар ердаги токка 350 килограммлан суперфосфат ва маҳаллий ўғит солинди. Токлар январь, февраль ойларида 2-3 марта, июнь ва июль ойларида 1-2 марта қондириб суғорилди. Қурбон ота Ҳаитов, Сайфи ота Зикирхўжаев ва бошқалар токларни маромига етказиб суғордилар. Ток оралари механизация ёрдами билан ишлаб турилди. Бу ишда тракторчилардан, айниқса, А. Мирзаев, О. Ниёзовлар боғбонларга яхши ёрдам бердилар.

Боғдорчилик бригадасининг бошлиқларидан Ҳ. Аҳмедов узумдан мўл ҳосил олиши билан ҳаммага танилган. Унинг бригадаси ўтган йили 23 гектар ердаги токнинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олган эди. Бу йил токлар яхши парвариш қилингани учун узумдан яна ҳам мўл ҳосил етишди. Ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил йиғиб олиш мўлжалланмоқда.

Районнинг тоғлиқ зонасидаги Санганак қишлоғида икки йил илгари боғдорчилик совхози ташкил этилган. 100 гектар ерга ток ўтказилган эди. Мана шу токлар бу йил яхши ҳосил берди.

Совхозда 11 гектар сув чиқмайдиган тоғлик ерга 1500 тун олма, шафтоли, гилос ўтказилган эди. Ёш кўчатларнинг парвариши яхши бўлгани учун уларнинг ҳаммаси тутиб қолди ва яхши ўсаётир. Шунинг учун совхоз коллективи яна 50 гектар тоғлик ерларни боғ қилиш тадбирларини кўрмоқда. Бундан ташқари совхозда узумзорларни кенгайтириб 200 гектарга етказиш чоралари кўрилаётир.

Ҳозир бу боғдорчилик совхозида янги қишлоқ қад кўтара бошлади. Совхознинг ишчи ва хизматчилари учун 20 дан ортиқ турар-жой биноларн қурилди. Совхозда қишлоқларни обод, кўркам ва кўкламзор қилишга алоҳида аҳамият берилаётир. Ҳозир совхоз маъмурияти Санганак қишлоғи билан Намданак қишлоғи ўртасига икки томонига дарахтлар ўтказган ҳолда йўл қуришга киришди.

— Якин йиллар ичида совхозимизда Мичурин етиштирган мева навлари ҳам ўсади, — дейди совхоз директори Мирзажон Умаров. — Санганак йирик мевазор ва мева кўчатлари етиштирадиган совхозга айланади. Бунга пухта замин тайёрланмоқда.

Т. ҚУДРАТОВ.
Ю. БАҲОДИРОВ.

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 1 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Колхоз партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1. Дмитров номли	44,40	Шин Ден Дик	Ли-Кер-Су	Қуйи Чирчиқ
2. Красин номли	24,95	Б. Жумабоев	И. Абдалиев	Қуйи Чирчиқ
3. «Коммунизм»	24,87	И. Юсупов	Лим Чан-Дюн	Юқори Чирчиқ
4. «Коммунизм»	24,5	Т. Латипов	А. Қурбонов	Боёвут
5. «Ленинобод»	22,5	М. Юнусов	Қ. Эгамбердиев	Оққўрғон
6. Навоий номли	21,0	О. Отабоев	Т. Абдуллаев	Бекобод
7. Дзержинский номли	20,9	А. Шукуралиев	Э. Иброҳимов	Бекобод
8. Ильич номли	19,68	М. Жеркинбоев	Б. Ражабов	Ёўка
9. К. Маркс номли	19,41	У. Пардаев	Ли-Чен-Ен	Гулистон
10. Мичурин номли	19,2	Н. Жавоқов	Т. Парпиев	Бекобод
11. «Ленинский путь»	18,75	Пак Ир-Бен	Ни В. В.	Мирзачўл
12. Ленин номли	18,69	А. Мирзаев	И. Пармонов	Бекобод
13. «Правда»	18,41	Х. Жумабоев	А. Ёриев	Сирдарё
14. «Гулистон»	18,4	Г. Шукуров	Х. Норжигитов	Бекобод
15. «Искра»	18,1	Р. Абдуллаев	Б. Норжигитов	Бекобод
16. Ленин номли	18,1	З. Шокиров	С. Омонов	Боёвут
17. «Ленинград»	17,9	А. Тошқораев	А. Ҳошимов	Орджоникидзе
18. «Ленинизм»	17,49	М. Қулмирзаев	Х. Қорабоев	Бўка
19. Куйбишев номли	17,42	С. Раҳмонов	Д. Сайдаев	Оққўрғон
20. «Қизил ту»	17,3	А. Қўлдибоев	З. Сеитбеков	Бўстонлиқ
21. «Большевик»	17,2	Ф. Норқулов	Р. Оломуродов	Бекобод
22. Сталин номли	17,0	М. Т. Литвинов	Р. Ўразов	Пискент
23. К. Маркс номли	16,99	Ш. Холиқов	Х. Исроилов	Мирзачўл
24. К. Маркс номли	16,3	Ю. Хожибеков	С. Усмонов	Бекобод
25. Тельман номли	16,2	С. Бўриев	М. Ҳамдамов	Оққўрғон
26. Сталин номли	16,2	А. Очилов	М. Юсупалиев	Бекобод
27. Жамбул номли	15,9	М. Тожиев	Н. Аҳмедов	Юқори Чирчиқ
28. «Москва»	15,83	Н. Мирзаев	Р. Олимов	Мирзачўл
29. Жданов номли	15,4	А. Исабоев	К. Молдибоев	Бўстонлиқ
30. Мичурин номли	15,8	И. Алибоев	Ким И.	Мирзачўл
31. Хрушчев номли	15,22	П. Сулаймонов	П. Қўкиев	Сирдарё
32. Хрушчев номли	15,1	Х. Абдуқулов	Э. Хайитов	Пискент
33. «Гулистон»	15,0	И. Ҳайдаров	А. Эргашев	Пискент
34. Т. Шевченко номли	14,92	Ж. Маманов	Н. Алиев	Сирдарё
35. Жамбул номли	14,59	Х. Шукуров	Т. Сайдаков	Бўка
36. Охунбобоев номли	14,4	Ж. Наримов	К. Аширбанова	Орджоникидзе
37. Мичурин номли	14,38	Т. Каримов	А. Жабборов	Бўка
38. К. Маркс номли	13,84	Ян С. А.	Р. Бобомуротов	Оққўрғон
39. Ленин номли	13,83	С. Назаров	П. Азимов	Гулистон
40. Энгельс номли	13,80	Д. Зулпиқоров	И. Бўронбоев	Октябрь
41. Сталин номли	13,76	М. Мусурмонов	А. Бердиев	Бўка
42. Навоий номли	13,7	А. Омонов	Ю. Олимов	Оққўрғон
43. «ЎзССР 30 йиллиги»	13,56	Алимуҳамедов	Д. Шамсиев	Сирдарё
44. Свердлов номли	13,50	И. Рисимбетов	А. Рустамов	Верхне-волинск
45. Жданов номли	13,41	Р. Эгамбердиев	М. Тўлаков	Оққўрғон
46. Ленин номли	13,40	Р. Эгамбердиев	Т. Усмонов	Орджоникидзе
47. Ленин номли	13,36	И. А. Бездетний	И. Аширов	Сирдарё
48. Жданов номли	13,30	Т. Умиров	К. Саалиев	Пискент
49. Ворошилов номли	13,20	Ғ. Отабоев	И. Норбоев	Оққўрғон
50. «Ленинизм»	13,17	И. Тешабоев	Б. Низомов	Мирзачўл
51. Сталин номли	13,10	Т. Мирзаев	А. Шигалов	Оққўрғон
52. «Озод»	12,97	Ю. Азимов	Хатамқулов	Оққўрғон
53. Будённий номли	12,80	З. Шодибеков	А. Михтибоев	Оққўрғон
54. Куйбишев номли	12,50	Т. Ғуломов	Т. Маматов	Верхне-волинск
55. «Коммуна»	12,48	У. Содиқов	Т. Азизов	Мирзачўл
56. «Красний Восток»	12,36	А. Носиров	Хегай Чан-Юн	Гулистон
57. К. Маркс номли	12,34	М. Холиқулов	С. Мухторов	Бекобод
58. «XIX партсъезд»	12,30	А. Душабоев	А. Хўжаев	Бўка
59. Навоий номли	12,20	А. Ағзамов	Т. Шаропов	Орджоникидзе
60. Сталин номли	12,09	К. Синдаров	И. Нурсаидов	Сирдарё
61. «Красний Октябрь»	12,0	Я. Пискорский	У. Жабборов	Верхне-волинск
62. Ленин номли	11,99	Т. Мирзакаримов	Р. Оқбоев	Оққўрғон
63. Охунбобоев номли	11,97	Ю. Хожиматов	М. Умаров	Бўка
64. Орджоникидзе номли	11,88	Х. Очилов	Т. Қудратова	Чиноз
65. Фрунзе номли	11,88	И. Тоғаев	Қ. Усамбоев	Гулистон
66. Жданов номли	11,80	Кан Ун-ден	А. Рихсибоев	Янгийўл
67. «Октябрь 40 йиллиги»	11,70	И. Ғуломов	Б. Мирзаев	Бўка
68. Сталин номли	11,70	А. Ортиқов	Ф. Мамадалиев	Янгийўл
69. Энгельс номли	11,60	Б. Дўстмуродов	Т. Рўзиев	Бекобод
70. Ленин номли	11,60	О. Қўчқоров	Ж. Тўйчиев	Янгийўл
71. Вильямс номли	11,60	Ғ. Азаматов	И. Мавлонов	Бўка
72. Горький номли	11,51	С. Каримжонов	Б. Қўйбоқов	Ўрта Чирчиқ
73. Охунбобоев номли	11,45	М. Рўзиматов	Т. Қўшназаров	Ўртасарой
74. Куйбишев номли	11,12	Р. Йўлдошева	А. Акмалов	Ўрта Чирчиқ
75. Фрунзе номли	11,10	И. Ирисбоев	А. Разов	Бўстонлиқ
76. Тимирязев номли	11,10	Х. Қурбонов	И. Холбоев	Бўка
77. «Коммунизм»	11,05	Д. Тўрахонов	Б. Бозоров	Бўка
78. «Полярная Звезда»	11,02	Ким Пен-Хва	Ан Ир-Чен	Ўртасарой
79. Жданов номли	11,0	Т. Сафаров	С. Турсунов	Юқори Чирчиқ
80. Хрушчев номли	10,95	М. Иброҳимов	К. Иноғомжонов	Бўка
81. К. Маркс номли	10,9	Қ. Султонов	Ш. Жуманов	Верхне-волинск
82. Свердлов номли	10,69	Ким Д. А.	Эм Т. В.	Юқори Чирчиқ
83. К. Маркс номли	10,68	А. Чўлибоев	М. Абдиев	Бўка
84. Ленин номли	10,63	Р. Каримова	М. Боботоев	Бўка
85. «Красная заря»	10,60	А. Турдиев	Ш. Азизов	Гулистон
86. Хрушчев номли	10,60	Ф. Мухсимов	М. Юсупов	Орджоникидзе
87. «Октябрь 40 йиллиги»	10,52	Ю. Оққулов	У. Чиннибеков	Оққўрғон
88. «XX партсъезд»	10,33	Ен Ен-Ман	Т. Ахтаев	Ўртасарой
89. «Ҳақиқат»	10,28	Н. Йўлдошева	М. Ҳакимов	Сирдарё
90. «Победа»	10,20	И. Юсупов	Р. Ҳасанов	Верхне-волинск
91. «Коммунизм»	10,20	Ж. Сафаров	У. Хожиев	Октябрь
92. Калинин номли	10,20	А. Турғунов	Г. Ғозиев	Пискент
93. «Ленинобод»	10,11	К. Қорабоев	Ҳ. Буронов	Сирдарё
94. «Ленин йўли»	10,0	Э. Усмонов	М. Мирсолихов	Ўрта Чирчиқ
95. Ворошилов номли	9,80	Н. Толипов	А. Абдимўминов	Пискент
96. «ЎзССР 30 йиллиги»	9,78	И. Аҳмедов	М. Мирзаев	Чиноз
97. «Қизил Октябрь»	9,62	Ж. Рустамов	Н. Исмоилов	Чиноз
98. Охунбобоев номли	9,62	Убайдуллахўжаев	И. Бойназаров	Сирдарё
99. Тельман номли	9,60	А. Қодиров	М. Рустамов	Пискент
100. «Октябрь»	9,59	А. Брухтий	Т. Урмеев	Мирзачўл
101. Ворошилов номли	9,54	А. Маматқулов	И. Эшонқулов	Сирдарё
102. Ленин номли	9,50	Т. Йўлдошев	Б. Саматов	Мирзачўл
103. «Сталинград»	9,40	Х. Мақсудов	М. Аҳмедов	Орджоникидзе
104. Ленин номли	9,40	У. Умаров	М. Имомалиев	Бўстонлиқ
105. Ленин номли	9,38	Ю. Мирахмедов	Х. Эргашев	Чиноз
106. «Октябрь 40 йиллиги»	9,35	К. Каримов	П. Ф. Саулькин	Чиноз
107. Сталин номли	9,3	Г. Далибоев	М. Аҳмадшоев	Октябрь
108. «Шарқ юлдузи»	9,20	Ҳ. Турсунқулов	Б. Султонов	Октябрь
109. «Сталинчи»	9,20	Т. Жўрабеков	Б. Самбетов	Октябрь
110. Калинин номли	9,10	Н. Каржоулов	Ногай А. Н.	Оққўрғон
111. «Меҳнат бирлик»	8,96	И. Икромов	Д. Файзуллаев	Юқори Чирчиқ
112. Орджоникидзе номли	8,76	У. Хўжаев	С. Тўйчиев	Ўртасарой
113. «Ленин йўли»	8,74	Б. Умаров	И. Жўраев	Бўка
114. Сталин номли	8,69	Э. Сотиболдиев	Р. Муродов	Чиноз
115. Сталин номли	8,60	К. Абдуллаев	Г. Ерденов	Ўртасарой
116. «XIX партсъезд»	8,60	Б. Мамонов	Г. Нигматуллин	Сирдарё
117. Горький номли	8,40	Ш. Раҳимов	З. Мирзаев	Верхне-волинск
118. Ленин номли	8,40	Т. Эрназаров	Х. Давиров	Октябрь
119. Сталин номли	8,32	Р. Муҳамедов	К. Султонов	Мирзачўл
120. «Париж коммунаси»	8,32	Ш. Йўлдошев	П. Эшматов	Юқори Чирчиқ
121. «XIX партсъезд»	8,14	И. Одилов	А. Исаҳонов	Ўрта Чирчиқ
122. «Қизил Ўзбекистон»	8,10	А. Матқобулов	Х. Элбўсинов	Орджоникидзе
123. Киров номли	8,10	Н. Ғиёсов	У. Исломов	Орджоникидзе
124. «Гулистон»	8,08	Цой-Ен-Фир	Ким П. И.	Ўртасарой
125. Свердлов номли	7,97	Муҳаммаджонов	Г. Отаулдаев	Ўртасарой
126. «Коммунизм»	7,93	А. Ашуров	Н. Тулепов	Чиноз
127. «Ленинизм»	7,92	Б. Додажонов	Э. Маллабоев	Сирдарё
128. Энгельс номли	7,80	А. Холжигитов	А. Ниёзов	Пискент
129. Ленин номли	7,79	Пак Г. А.	Тя Чан-Гин	Ўртасарой
130. Калинин номли	7,70	Қ. Маҳмудов	Ж. Имомов	Октябрь
131. Шверник номли	7,70	У. Йўлдошев	Т. Шоҳидов	Пискент
132. Охунбобоев номли	7,67	А. Раимқулов	А. Оқтанов	Оққўрғон
133. «Ёш ленинчи»	7,62	Маҳкамов	К. Хайитқулов	Сирдарё
134. «Коммунизм»	7,40	Э. Жалолов	М. Хўжаев	Ўртасарой
135. «Ленинград»	7,40	Қ. Синдаров	И. Хўжақулов	Сирдарё
136. Крупская номли	7,27	Ҳ. Турсунқулов	С. Шомуротов	Гулистон
137. «Ленинобод»	7,16	Р. Додажонов	Т. Шарипов	Бўка
138. К. Маркс номли	7,10	А. Султонов	Т. Азимбоева	Янгийўл
139. «Северний маяк»	7,04	Цой С. Г.	Цой П. А.	Ўртасарой
140. Сталин номли	7,01	У. Шохмамедов	А. Сарибоев	Юқори Чирчиқ
141. Киров номли	6,90	К. Г. Хроколов	Т. Болтаев	Октябрь
142. Сталин номли	6,80	О. Афзалов	И. Ойтўраев	Орджоникидзе
143. «Ўзбекистон»	6,80	Қ. Раҳимжонов	Б. Донийёров	Октябрь
144. «Победа Октября»	6,80	Нормухамедов	Ш. Холматов	Калинин
145. «Коммунизм»	6,72	Т. Мамадалиев	Ю. Жўрабоев	Сирдарё
146. Свердлов номли	6,70	А. Шорахмедов	Р. Усмонов	Янгийўл
147. «Коммунизм»	6,50	М. Исматов	И. Усмонов	Янгийўл
148. Сталин номли	6,45	А. Ҳасанов	Ю. Додабоев	Ўрта Чирчиқ
149. Ленин номли	6,07	А. Кўсаев	У. Сидиқов	Ўрта Чирчиқ
150. «III Интернационал»	5,85	Н. Нишонбоев	Қ. Ўразаев	Юқори Чирчиқ
151. Свердлов номли	5,76	А. Есенбеков	С. Нахидов	Чиноз
152. Фрунзе номли	5,70	Қ. Сандбеков	С. Тўлаганов	Янгийўл
153. «Ленинград»	5,55	И. Талаббоев	А. Айдаров	Юқори Чирчиқ
154. «Победа»	5,32	Т. Назруллаев	Х. Бўлисбоев	Чиноз
155. «Коммунизм»	5,19	М. Усмонов	К. Султонов	Мирзачўл
156. «XX партсъезд»	5,16	М. Хайитбоев	Т. Юсупов	Бўка
157. «XIX партсъезд»	5,04	Н. Г. Мелихов	А. Хусанов	Чиноз
158. «Ленинизм»	5,02	Т. Тожибоев	М. Хожиматов	Юқори Чирчиқ
159. «XIX партсъезд»	4,90	Н. Воҳидов	К. Олимов	Янгийўл
160. Энгельс номли	4,80	А. М. Шубладзе	Х. Усмонов	Янгийўл
161. «Коммунизм»	4,08	А. Саидалиев	М. Турсунов	Калинин
162. Ильич номли	3,63	М. М. Лапенко	Т. Шодмонқулов	Сирдарё
163. «Чирчиқ»	2,30	И. Шамсиев	Х. Ходиев	Бўстонлиқ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 2 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бекобод	16,20	0,88
Боёвут	14,42	1,11
Пискент	14,25	1,10
Бўстонлиқ	13,65	1,15
Гулистон	13,56	0,98
Верхне-волинск	13,33	0,82
Бўка	13,32	1,01
Мирзачўл	12,94	0,74
Оққўрғон	12,41	0,99
Чиноз	11,24	1,11
Орджоникидзе	10,81	0,82
Ўрта Чирчиқ	10,06	0,85
Сирдарё	9,77	0,81
Ўртасарой	9,60	0,84
Юқори Чирчиқ	9,55	0,82
Октябрь	9,27	0,83
Янгийўл	9,20	0,79
Қуйи Чирчиқ	7,63	0,77
Оҳангарон	5,36	0,48
Калинин	4,94	0,45

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 1 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Совхоз директори	Совхоз Партия ташкилотининг секретари	ишчилар комитетининг раиси	Қайси райондан
1. «Дружба»	22,79	Г. Аъзамхўжаев	М. Каримов	И. Ёқубов	Боёвут
2. 6- «Кўкорол»	21,55	М. Ботиров	Д. Қуролбоев	К. Бекбергенов	Бўка
3. «Фарҳод»	21,50	К. Ботиров	Г. Сувонқулов	Ш. Мавлонов	Боёвут
4. «Мирзачўл»	16,65	А. Бегимқулов	И. Собиров	А. Тиллаев	Мирзачўл
5. «Социализм»	16,20	Қ. Пўлатов	С. Шукуров	Т. Тожибоев	Верхне-волинск
6. «Пискент»	14,66	Х. Ҳайдаров	М. Мирқобилов	Н. М. Чадин	Пискент
7. «Чаноқ»	14,44	Н. А. Игнатенко	М. Раззоқов	А. Нуралиев	Бекобод
8. «Гулистон»	13,42	М. Ғаниев	К. Тўрабеков	К. Иброҳимов	Верхне-волинск
9. 2-«Далварзин»	13,41	Н. Бойметов	К. Холмирзаев	Х. Наширов	Бекобод
10. 1-«Далварзин»	12,91	Х. Норматов	Т. Чиннибеков	Мирзаахмедов	Бекобод
11. 4- «Боёвут»	11,06	У. Ю. Юсупов	А. Мустанов	Ким Хи-дон	Боёвут
12. Киров номли	9,40	Пак Сан-Ер	И. И. Федин	Тен А. В.	Ўрта Чирчиқ
13. 3-«Боёвут»	9,36	Х. Рашидов	Ш. Облоқулов	А. Е. Жданов	Боёвут
14. 1-«Боёвут»	8,29	А. Ўрисбиев	Т. Хўжаев	Холиқов	Боёвут
15. «Оққўрғон»	7,79	Ж. Акромов	Ж. Тилаболдинов	Л. Г. Бобин	Оққўрғон
16. Тошкент наслчилик совхози	7,85	А. В. Шқургин	А. Афзалов	А. Аҳмедов	Оҳангарон
17. Бушуев номли	7,21	Р. Орипов	А. Бойхўжаев	М. Акунов	Гулистон
18. 1-«Оҳангарон»	6,33	Д. Ҳамидов	У. Ўрозов	Н. Бўриев	Оҳангарон
19. «ЎзССР беш йиллиги»	4,67	И. Иброҳимов	А. Ланговой	М. Мусиров	Қуйи Чирчиқ
20. 2-«Оҳангарон»	2,59	Г. Йўллошев	А. А. Барасов	З. Ёқубов	Оҳангарон
21. «Малик»	1,58	С. А Бочкарев	А. Мейрбеков	А. Е. Волина	Сирдарё

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 2 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўкорол»	23,60	2,05
«Дружба»	23,26	0,47
«Фарҳод»	22,71	1,21
«Мирзачўл»	17,48	0,83
«Социализм»	17,29	1,09
«Пискент»	15,79	1,13
«Чаноқ»	15,41	0,97
«Гулистон»	14,41	0,99
2-«Далварзин»	14,09	0,68
1-«Далварзин»	14,07	1,16
4-«Боёвут»	11,91	0,85
3-«Боёвут»	10,36	1,00
Киров номли	10,28	0,88
1-«Боёвут»	9,43	1,14
«Оққўрғон»	8,76	0,97
Тошкент наслчилик совхози	8,43	0,58
Бушуев номли	7,73	0,52
1-«Оҳангарон»	6,67	0,34
«ЎзССР беш йиллиги»	5,38	0,71
2-«Оҳангарон»	3,06	0,47
«Малик»	1,85	0,27
«Ревский»	—	—

ТОШКЕНТ меҳмонхонаси

Ўзбек халқи қадимдан меҳмондўстлиги билан машҳурдир. У ўз юртига келган азиз меҳмонни қучоқ очиб кутиб олади, тоғанини олдига тўкиб солади. Тошкент Театр майдонининг ғарб томонида салобат билан қад кўтариб турган янги меҳмонхона ҳам ана шу азиз меҳмонлар учун бунёдга келтирилди. Бу меҳмонхонага «Тошкент» деб ном қўйилди.

Театр майдонининг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшган меҳмонхона дастлабки меҳмонларни — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг вакилларини қабул қилди.

Меҳмонхона пойтахтда сўнгги йилларда қурилган бинолар ичида энг гўзали ва энг сифатлисидир. Бинога кираверишдаги дарвоза деворларида жиловланиб турган кўк сирлар ва шарқ услубидаги нафис уллар ўзиёқ бу меҳмонхонанинг жуда бино қўйиб ишланганидан далолат бериб турибди. Бинонинг ичидаги деворлар саргимтил табиий ва сунъий мармардан ишланган. Ички безакларда ўзбек миллий архитектурасига хос кошинкорликдан усталик билан фойдаланилган. Бу проект авторлари — архитекторлар Булатов ва Л. Г. Караш, инженер В. Н. Левченко ўртоқларнинг ўзбек миллий архитектурасидан ижодий фойдаланганликларини кўрсатиб турибди.



Меҳмонхонанинг асосий кириш йўли.

Янги меҳмонхонани қурган коллектив бу ерда ҳамма қулайликларни вужудга келтирган: 2-3 кишига мўлжалланган 273 та номернинг ҳаммасида ванна бор. Номер хоналаридаги юқори сифатли юмшоқ мебеллар, стол-стул ва шифанерлар, чўрдек янги гиламлар, дам олиш залларидаги озода ва осойишталикка ҳавасингиз келади. Ресторан, кафе, алоҳа бўлими ва бошқа муассасалар меҳмонлар хизматида бўлишини таъминлайди. Бу ерда истаган вақтда иссиқ ва совуқ сув бўлади. Меҳмонлар учун алоҳида, юклар учун алоҳида лифтлар бор.



Ҳар бир номерда шундай махсус ювиниш хонаси бор.

Дежур администратор Малика Маманазарова.

Меҳмонхона қурилишида керамзит-темирбетон, армоцемент ва бошқа янги конструкциялардан фойдаланилди.

Бинонинг тагида алоҳида кенг хоналар бўлиб, турли юклар, озиқ-овқат маҳсулотлари транспортдан шу ерда тушириб олинади. Натижада катта фонтан ва соя-салқин дарахтзорга эга бўлган ҳовли доим озода сақланади. Сув билан таъминлаш, иссиқлик ва электр таъминоти коммуникацияларининг ҳаммаси маҳсус шахталарга жойлаштирилган.

«Главташкентстрой»га қарашли 157 ва 158-қурилиш трестлари бинокорларига меҳмонхонани қуришда тажрибали метро қурувчилар ҳам катта ёрдам бердилар. Мамлакатимиздаги кўпгина шаҳардардан бу ерга лифтлар, энг янги электр ускуналари, гранит ва юқори сифатли мебеллар келтирилди.

Фойелардан биридаги дам олиш бурчаги.

Бир гектарга яқин майдонни ишғол этган меҳмонхонани ҳар қанча таърифласа арзийди. Атрофи салобатли бинолар билан ўралган Театр майдони эндиликда Тошкентнинг кўрки, меҳнаткашларнинг севимли дам олиш жойи бўлиб қолди.

1. Дежур администратор Нели Константиновна люкс хонасини жиҳозламоқда. 2. Номерлардан бирида.

В. Салов ва Т. Нажмиддинов фото очерклари.

Хитой халқи Республика эълон қилинганлигининг 9 йиллигини байрам қилмоқда

Пекинда парад ва намойиш

ПЕКИН, 1 октябрь. (ТАСС). Бугун Хитой халқи Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганлигининг 9 йиллигини тантанали нишонламоқда. Пекинда Тяньаньминь майдонида ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг байрам намойиши бўлди.

Эрталаб соат 10 га қадар майдонга саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, Хитойдаги турли районлар меҳнаткашларининг вакиллари, дунёдаги 70 тадан ортиқ мамлакатдан келган жуда кўп чет эл делегациялари тўпланди. Соат 9 дан 55 минут ўтганида Хитой Коммунистик партияси ва ХХР ҳукуматининг раҳбарлари Мао Цзэ-дун, Лю Шао-ци, Чжоу Энь-лай, Чжу Дэ, Чэнь Юнь, Дэн Сяо-пин ўртоқлар ва бошқалар ҳукумат минбарига чиқадилар.

Хитой Халқ Республикасининг давлат гимни янграйди. Майдонда тўпларидан 28 марта бир йўла ўқ узиб берилган салют гумбурлаб эшитилади. Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари ХХР мудофаа министри маршал Пин Дэхуай очиқ машинада майдонга кириб келади. Маршал Пин Дэ-хуай қўшинларни айланиб чиққанидан кейин минбарга чиқади ва нутқ сўзлайди.

У, Хитой Халқ озодлик армиясининг қуруқликдаги, ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари шахсий составига, армиядан бўшаб кетган жангчиларга ва мамлакатнинг халқ лашкарларига мурожаат қилиб айтдики, ўтган йил — Хитойнинг ҳамма соҳаларида буюк ғалабаларга эришган йил бўлди. «Бутун кучларни ишга солиб чўққилар сари интилиб, социализмни кўпроқ, тезроқ, яхшироқ, тежамлироқ принципи асосида қуриш» тўғрисида Хитой Коммунистик партияси томонидан илгари сурилган бош йўлнинг ёрқин нурлари остида саноатнинг, қишлоқ хўжалигининг, савдо-сотиқ, транспорт, фан, маданият ва маорифнинг ҳар томонлама юксалганлиги кўринди ва бутун мамлакатда халқ коммуналари тузиш учун кенг миқёсда ҳаракат бошланди.

Пин Дэ-хуай америкаликларнинг Тайвань бўғози районидаги игвогарликларига тўхталиб бундай деди: Хитой халқи Хитойнинг қитъадаги қисмига ва денгиз бўйи районларига бўлаётган бевосита хавфни йўқотиш учун Цзиньминьдао, Мацзудао ороллари ва қирғоқ бўйидаги бошқа ороллари муқаррар қайтариб олади. Биз, деди у, Тайванни ва Пэнхуледао ороллари озод қилиш учун ва бунинг натижасида мамлакатни бирлаштириш мақсадида ўз вақтида тегишли ҳамма чораларни кўриш учун тўла ҳуқуққа эгамиз. У, Халқ озодлик армиясининг шахсий составини хоин ва мустабид Чан Кай-шининг қуролли кучларига жазо тариқасида қаттиқ ва қатъий зарбалар бериш учун ва душманлар Хитойга ҳужум қилишга журъат этганларида уларга қақшатғич зарбалар бериш учун ҳар қачон тайёр туришга чақирди.

Шундан кейин Пекин-Тяньцзинь ҳарбий округи қўшинларининг паради бўлди. Ҳарбий академиялар ва ўқув юртларининг тингловчилари, Халқ озодлик армиясининг пиёдалар полки, ижтимоий хавфсизлик қўшинларининг терма батальони, мотомеханикалаштирилган пиёда аскарлар, артиллерия, танклар, ўзиюрар тўплар, реактив ҳарбий авиация қисмлари тамошабинлар олдидан ўтадилар. Ҳарбий парадларнинг охирида халқ лашкарларининг катта бир группаси ўтади. Ана шу лашкарлар орасида Японияга қарши илгари олиб борилган курашнинг ветеранлари кўп.

Параддан кейин намойиш бўлди. Бу намойишда Пекин меҳнаткашларидан 600 мингдан ортиқ киши қатнашди. Ана шу гўзал байрам намойиши Хитой халқининг Коммунистик партияси тевирагига маҳкам жипслашганлигини, унинг социалистик қурилишда катта муваффақиятларга эришганлигини яққол кўрсатди.

Хитой Халқ Республикаси ташкил топган кунинг 9 йиллигига бағишланган байрам намойишлари Пекиндан ташқари Шанҳайда, Гуанчжоуда ва Хитойнинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Америка империалистлари ва уларнинг чанкайшичи малайларининг ҳарбий игволарига қарши курашнинг олдинги позицияларида турган Фуцзянь вилоятининг асосий шаҳри Фучжоу шаҳрида бўлган байрам намойишида 100 мингдан ортиқ киши қатнашди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ МАО ЦЗЭ-ДУННИНГ ЯНЦЗИ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИДА БЎЛИШИ

ПЕКИН, 1 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради:

Хитой Халқ Республикасининг Раиси Мао Цзэ-дун яқинда Янцзи дарёси ҳавзасида жойлашган баъзи вилоятларга сафар қилди. Раис Мао Цзэ-дун 10 сентябрдан 15 сентябргача Уханда бўлди, ундаги металлургия комбинатини, 1-йигирув фабрикасини, университетни, оғир станкозлик заводини бориб кўрди, саноатнинг турли соҳаларида ишловчи ходимлар билан учрашди. 15 сентябрда Раис Мао Цзэ-дун Учандан Очэн ва Дае орқали Хуанши портига келди. У йўлда кета туриб, шу райондаги қишлоқ хўжалиги билан танишди. Даедаги темир конини, Хуанши махсус пўлат заводини бориб кўрди ҳамда ишчилар билан суҳбатлашди. 16 сентябрда куннинг биринчи ярмида Раис Мао Цзэ-дун Альцинга келди (Альхуэй вилояти). Бу ерда у ўрта мактабларидаги чўян эритиш печини ҳамда турли муассасалар томонидан қурилган бир қанча чўян эритиш печларини кўздан кечирди ва Аньцин аҳолиси билан учрашди. Ўша куниёқ Раис Мао Цзэ-дун Аньхуэй вилоятининг маркази—Хэфэй шаҳрига келди. Йўлда кета туриб, у Тунчэн, Шучэн ва Фэйси уездларида қишлоқ хўжалигининг аҳволи билан танишди ҳамда халқ коммуналаридан бирини бориб кўрди. Раис Мао Цзэ-дун тоғ йўлдан жуда кўп кишиларнинг кетиб бораётганини кўрди. Бу кишилар руда қазиб олиш ва чўян эритиш учун фойдали қазилмаларнинг конлари бўлган районларга пиёда бормоқда эдилар. Раис Мао Цзэ-дун Хэфэй шаҳрида биринчи марта бўлди. Бу ерда у иккита ўртача металлургия заводини бориб кўрди, қишлоқ хўжалик қуроллари виставкасини ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ихтиролар виставкасини кўздан кечирди. Хэфэйда Раис Мао Цзэ-дун кенг халқ оммаси билан учрашди. Уху шаҳрида у маҳаллий заводларни бориб кўрди ва кадр ходимлар билан учрашди. 20 сентябрда Раис Мао Цзэ-дун Маньшань металлургия заводини кўздан кечирди ҳамда завод ишчилари ва Маньшань шаҳрининг аҳолиси билан учрашди. Ўша куниёқ Раис Мао Цзэ-дун Нанкинга келди ва бу ерда кадр ходимлар билан учрашди. Шундан кейин у Шанҳайда бўлди, кадр ходимлар билан учрашди ва металлургия заводларидан бирини бориб кўрди. 29 сентябрда Раис Мао Цзэ-дун Пекинга қайтиб келди.

Раис Мао Цзэ-дун Синьхуа агентлиги мухбирига ўзининг ана шу сафари вақтида халқ оммасининг юксак революцион ғайратини кўрганлигини айтди. Ана шундай зўр ғайрат асосида, деди Мао Цзэ-дун, биз ҳар қандай вазифани бажара оламиз. Аввало, пўлат ва чўян ишлаб чиқариш фронтидаги вазифани бажариш керак. Бу фронтда кенг халқ оммаси металл учун курашга сафарбар қилинган. Бироқ, бутун мамлакат миқёсида гапирадиган бўлсак, баъзи районларда ва баъзи корхоналарда оммани сафарбар қилиш иши ҳали йўлга қўйилмаган, вазифалар, сабаб ва методлар оммага тушунтириб берилмаган, омма ўртасида дискуссия авж олдирилмаган. Шу вақтгача бизда шундай ўртоқлар борки, деди Раис Мао Цзэ-дун, улар саноат соҳасидаги оммавий ҳаракатни кенг кўламда авж олдириб юборишни истамайдилар. Улар саноат соҳасида оммавий ҳаракатни ривожлантиришни «мунтазам эмас» деб ҳисоблайдилар. Улар уни «қишлоқ услуби» ва «партизанлик қилиқлари» деб ҳисоблаб лисанд қилмайдилар. Мутлақо равшанки, бундай деб ҳисоблаш нотўғридир.

Раис Мао Цзэ-дун мухбирга айтдики, металлургия саноатини тез ривожлантирган бир вақтда қишлоқ хўжалигини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Халқ коммуналари албатта бугдойни яхши етиштиришлари, рапсни яхши етиштиришлари ва ерни чуқур қилиб яхши ҳайдашлари лозим.

Раис Мао Цзэ-дун айтдики, лашкарларнинг дивизияларини тузишни маъқулласа бўлади. Бу тажрибани ўйиш керак. Бу ҳарбий ташкилот ва меҳнат ташкилоти ҳамда маорифий ташкилоти ва спорт ташкилотидир. Империалистлар бизларни шунчалик таҳқир қилмоқдаларки, деди Раис Мао Цзэ-дун, бунга ғоят жиддий қараш керак. Биз кенг кўламда қудратли мунтазам армияга эга бўлишимиз лозим ва айни бир вақтда кенг кўламларда лашкарлар дивизияларини ҳам ташкил қилишимиз лозим. Агар империалистлар мамлакатимизга қарши агрессияни амалга оширсалар, бу ҳол уларни иккала оёққа оқсашга мажбур этади. Раис Мао Цзэ-дун айтдики, империалистларнинг ҳаёти жуда ҳам узоқ давомли бўлолмайди, чунки улар зарар етказмоқдалар, турли мамлакатлардаги халққа қарши реакцияни бутун кучлари билан қўллаб-қувватламоқдалар, жуда кўп мустамлакаларни, ярим мустамлакаларни ва ҳарбий базаларни босиб олмоқдалар ҳамда жаҳонга атом уруши билан таҳдид қилмоқдалар. Шундай қилиб империалистлар бутун дунёдаги инсониятнинг 90 процентидан кўп қисмини ўзларига қарши отланишга мажбур этмоқдалар. Бироқ империалистлар ҳозирча яшаб келмоқдалар. Улар Осиёда, Африкада ва Латин Америкасида аввалгича бебошлик қилиб келмоқдалар. Ғарб дунёсида улар ўз мамлакатларидаги халқ оммасини аввалгича эзиб келмоқдалар. Раис Мао Цзэ-дун бундай вазиятни ўзгартириш зарур, деди. Агрессия ва империалистларнинг зулмига, аввало Америка империалистларининг зулмига хотима бериш — бутун дунё халқларининг вазифасидир.

Гвинея-Африкада янги мустақил давлат

ПАРИЖ, 2 октябрь. (ТАСС). Африкада янги мустақил давлат — Гвинея давлати барпо этилди. Шу вақтгача Франциянинг «денгиз нариги ёғидаги территорияси» деб ҳисобланиб келган Гвинея аҳолиси Франциянинг янги конституцияси юзасидан референдум ўтказилган вақтда де Голль ҳукумати таклиф этган конституция лойиҳасини рад қилди ва бу билан мустақил давлат бўлиб яшашга қатъий қарор берганлигини намойиш қилиб кўрсатди.

Йирик боксит конлари Гвинеянинг асосий бойликларидан биридир. Аммо ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган саноатнинг ҳаммаси чет эл монополиялари ва биринчи галда Франция монополиялари қўлидадир.

Матбуот хабарларига қараганда, Гвинея ҳукумат кенгашининг раиси Секу Туре территориал ассамблея мажлисида нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтган: «Биз мустақилликни унинг оқибатлари билан бирга қабул қилиб оламиз. Биз ўзимизга бериладиган кредитларнинг тўхтатилишига, француз таможня режимининг бекор қилинишига ва шу сингариларга розимиз, чунки мамлакат бизникидир, биз мамлакатни француз маъмуриятидан кўра яхлироқ идора қиламиз».

Гвинеянинг пойтахти Конакри шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Секу Туре Гвинея территориал ассамблеяси демократик конституцияни ишлаб чиқиш учун 2 октябрда мажлис ўтказажагини билдирди.

Франция ҳукумати Гвинеянинг мустақиллигини ҳали расман таниган эмас.

АНГЛИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 1 октябрь. (ТАСС). Англия ташқи ишлар министрлиги Иорданиядан инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетиш 20 октябрда бошланишини эълон қилди. Министрлик БМТ бош секретари Хаммаршельдга ёзилган мактубни эълон қилди. Бу мактубда Англия ҳукумати қўшинлар «шахсий составини, ҳарбий омборларни ва ярог-аслаҳаларни эвакуация қилиш учун зарур бўлган вақт ичида» олиб чиқиб кетилади, деб баён этади.

Италияда икки миллионга яқин ишсиз бор

РИМ, 2 октябрь. (ТАСС). Меҳнат министрлигининг расмий маълумотларига кўра, 1958 йил 30 июнгача Италиядаги ишсизлар сони 1 миллион 824 минг кишига етган.

ШАХМАТ

СССР Биринчилиги учун

СССР биринчилиги учун бўлаётган ярим финал шахмат мусобақасининг 7- турида халқаро гроссмейстер Корчной (Ленинград) ҳамшаҳари мастер Осноста қарши учрашувда ўзининг бутун маҳоратини сарфлаб, позицион устунликка эга бўлди. Бу устунлик бора-бора доналар устунлигига айланиб, гроссмейстер ғалабага эришди. Ленинградлик мастер Бившев халқаро мастер Холмовга (Вильнюс), Ленинград чемпиони Рубель Латвия чемпиони Гипслисга ютқазди. Қозоғистон чемпиони Каталимов ўйинни жуда пишиқ давом эттириб халқаро гроссмейстер Геллер (Одесса) билан учрашувни дуранг қилди. Тўрт партия кечиктирилди.

8-турда Холмов билан Рубель учрашуви тамошабинларни ҳаяжонга солиб турди. Доскада жуда кам фигуралар қолганига қарамай, оқ доналар билан ўйнаган Холмов филини қурбон қилди. Рубель ҳам ўз навбатида отини қурбон қилди. Натижада Холмов ғалабага эришди. Бу ўйиннинг бориши ҳаммага маълум бўлди. Москвалик халқаро гроссмейстер Симагин Оснос устидан ғалаба қозонди. Мастер Гуфельд (Украина) Петерсонни, Корчной Бастриковни (Свердловск) ютди. Тўрт партия кечиктирилди.

8 турдан сўнг 7,5 очкога эга бўлган Холмов, 5 тадан очкога эга бўлган Гуфельд ва Гипслис ўртоқлар олдинда бормоқда.

У. ЭЛБЕКОВ,
мастерликка кандидат.

Телевизор экранида

3 ОКТЯБРДА

19.30. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.
19.45. Бадиий фильм «Ҳикоя саҳифалари».
20.15. Сўнгги ахборот.
20.20. «Пойтахтимиз меҳмонлари циклидан СССР халқ артисти профессор Давид Ойстрах концерти Свердлов номли концерт залидан олиб кўрсатилади.
21.20. Бадиий фильм — «Чўпон».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/Х да **Юрак сирлари**, 4/Х да **Ганг дарёсининг қизи.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Айланма зина.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 ва 10 да кенг экранли фильм **Капитан қизи.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Истаган эшигингни қоқ.**

КАФАНОВ номли «ХИВА» — **Истаган эшигингни қоқ.**

«САЛЮТ» — **Фанфан-тюльпан.**

5 октябрь эрталаб соат 10 да, Педагогическая кўча 32-уйдаги 91- мактаб биносида

«КРАСНИЙ КОММУНАЛЬНИК»
уй-жой қурилиши кооперативи аъзоларининг

Умумий йиғилиши

чақирилади.

Кун тартиби:

1. Правление ва ревизия комиссиясининг 1956 йилдан 1958 йилгача бўлган даврни ҳисобот доклади.
2. Правление ва ревизия комиссиясини сайлаш.

«РАЗНОПРОМ» АРТЕЛИ

ҳамма ташкилотларга ҳар қанча миқдорда

тоннаси 500 сўмдан

охак сотади

Мурожаат учун адрес: Ўрта Чирчиқ район, Тўйтепа қишлоғи.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

Отряд курашни давом эттиради

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.



Сценарий автори — **Ван Юй-ху.**

Режиссёр — **Тан Сяо-дань.**

Оператор — **Ли Шэн Вэй.**

Р о л л а р д а:

Вэй Юй-пин, Вэн Си-ин, Чжан Юань, Гао Чжен, Ню Вэнь, Ян Юй-жулар қатнашади.

Фильмни Шанҳай киностудияси ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри — **А. Лирова**, овоз оператори — **А. Беляев.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 05522. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон қурҳ» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-581.